

## Муқаддас инсоний бурч

Хотирлаш инсоннинг жамиятдаги ўрни ва эзгу хизматларига муносабат демакдир. Зиёрат ана шу муқаддас бурчни адо этиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса.

“Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Ислом Каримовнинг 80 ёшлик юбилей маросимларини кенг тарғиб қилиш мақсади оммавий тус олди.

2018 йил 21 январ куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойидаги 1 - босқич талабалари тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротов раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг музейига ташриф буюришди.

Талабалар Ислом Каримов ҳайкали пойида туриб “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлишлари шарт” деган уларнинг ўғитларини эслашди.



**4-сонли ТТЖ тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**